



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 14 май, № 93 (6023)

Чоршанба

ЮКСАК САЛОҲИЯТ, ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК


саноат ишлаб чиқарувчиларининг ўзаро муносабатларида яққол намоён бўлмоқда



Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида иш бошлаган “Ўзбекистон нефть ва газ — OGU — 2014” ҳамда “Энергетика — Power Uzbekistan — 2014” халқаро кўргазмаларида

200

дан зиёд хорижий компаниялар ўз маҳсулот ва хизматларини кенг намойиш этмоқда.



ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА



Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодийнинг барча тармоқлари барқарор ривожланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 108,9 фоиз ўсиш таъминланди. Албатта, бундай ижобий натижаларга эришишда иқтисодий таркибий ўзгариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва турини кўпай-

тириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, бу жараёнда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро анжуман ва кўргазмалар ҳам алоҳида аҳамият касб этапти.

“Ўзэкспомарказ” мажмуасида иш бошлаган “Ўзбекистон нефть ва газ — OGU — 2014” ҳамда “Энергетика — Power Uzbekistan — 2014” халқаро кўргазмалари

ана шундай тадбирлар сирасига киради. Таъкидлаш керакки, “Ўзбекистон нефть ва газ — OGU — 2014” халқаро кўргазмаси 1997 йилдан бундан буён қилинмоқда. Жаҳон нефть-газ саноати етакчилари иштирок этаётган ушбу тадбирнинг самараси эса амалий ҳаракатларда яққол намоён бўлапти.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Яқинда биз Сиз билан учрашиш шарафига муяссар бўлдик. Муҳим давлат ишлари билан фоят банд бўлишингизга қарамай Оқчалокдаги Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши майдонига ташриф буюргангиз Корея Республикасининг ҳар учала муҳандислик-қурилиш компанияси вакилларида чукур таассурот қолдирди. Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши майдонига ташриф буюриб, бизга илтифот кўрсатганингиз, бениҳоя мазмунли суҳбатингиз ва эзгу тилақларингиз учун самимий миннатдорлигимизни ифода этиб, GS Engineering & Construction Corp. компанияси номидан Сизга мактуб ёзиш менга улкан шараф ва мамнуният бағишлайди. Сизнинг ташаббусингиз билан ташкил этилган байрам концерти бизга олам-олам завқ бағишлади. Фурсатдан фойдаланиб, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишидаги ишларимизга кўрсатаётган доимий ёрдамингиз, юқори даражадаги меҳмондўстлик учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

GS Engineering & Construction Corp. компанияси бош директори сифатида ишонтириб айтаманки, биз Устюрт газ-кимё мажмуаси лойиҳасини сидқидилдан амалга оширамиз, қурилиши вақтида муваффақиятли яқунлаймиз ва уни фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикасига топширамиз.

Юксак эҳтиром ила,
Бёнгён ЛИМ,
GS Engineering & Construction Corp.
президенти ва бош директори.



«Ўзбек халқининг буюк аждодлари жаҳон илм-фани ривожига бебаҳо ҳисса қўшганлар»



Жорий йилнинг 15 — 16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига қўшган аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияда иштироки олдидан Кембриж форумининг (Буюк Британия) Марказий Осиё бўйича раиси Сиддхарт Саксена “Жаҳон” ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбат чоғида қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— Маданиятлараро ва давлатлараро ҳамкорлик масалаларини муҳокама этиш учун юртингизга таклиф қилинган мен учун катта шарафдир. Ўтмишнинг буюк мероси ҳақида сўзлар эканмиз, ўзбек халқининг улғу аждодлари жаҳон илм-фани

ривожига қўшган бебаҳо ҳиссани қайд этиш муҳимдир. Ўрта асрлар Шарқ алломалари, мутафаккирларининг ақл машъаллари йўллари ёритгани бизга бугун яратили ва фикрлаш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

Жаҳон олимлари нигоҳи — Самарқандда

Азал-азалдан илму маърифат бешиги саналган юртимизда донги оламга таралган машҳур алломалар, мутафаккирлар камол топган. Хусусан, қадимий Самарқанд неча-неча фозилу фузалар учун камолот мактаби вазифини ўтаган. Чунки, бир ерда Амир Темур, Мирзо Улугбек, Али Қушчи, Алишер Навоий каби улғуларимизнинг табаррук номлари билан боғлиқ беқиёс маърифий ва маънавий бунёдкорликлар амалга оширилганлиги ўша пайтнинг ўзидаёқ Ер юзиде шухрат қозонган. Асосийси, айна пайтада ҳам ана шундай аждодларимизнинг бой маънавий мероси жаҳон олимлари, халқаро жамоатчиликини ўзига мафтун этиб келмоқда. 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига қўшган аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция ташкил этилаётган, мазкур нуфузли маърифий ва маънавий бунёдкорликлар амалга оширилганлиги ўша пайтнинг ўзидаёқ Ер юзиде шухрат қозонган. Асосийси, айна пайтада ҳам ана

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● Самарқандда вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари маъсул ходимлари малакасини оширишга бағишланган ўқув семинари ўтказилди. Тадбирда иштирокчиларга ахборот хизмати ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, матбуот анжуманлари, давра суҳбатлари, брифинглар ўтказиш тартиблари, интернетдан самарали фойдаланиш юзасидан батафсил маълумотлар берилди.

● “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган “Менинг бизнес гоём” республика танловининг Бухоро вилояти босқичида ғолибликка эришган ёшларга банк кредитлари ажратиш бўйича сертификатлар топширилди. Ўн нафар битирувчи эса танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

● Термиз шаҳрида “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” шиори остида ёш тадбиркор, фермер ва хунармандлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Яқинда “Йилнинг энг намунали ёш тадбиркори”, “Йилнинг энг намунали ёш фермери”, “Йилнинг энг намунали ёш хунарманди” йўналишлари бўйича ғолиблар номи эълон қилинди. Эндиликда улар кўргазманинг мамлакат босқичида иштирок этади.

● Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Соғлом бола йилига бағишланган “Фарҳод” марваридлари концерт дастури намоиши бўлиб ўтди. Навоий кон-металлургия комбинати томонидан ташкил этилган ушбу тадбирдан комбинатга қарашли “Фарҳод” маданият саройининг энг яхши ижодий жамоалари, рақс дасталари ва ансамбллари чиқишлари ўрин олди.

“Халқ сўзи” муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ДИЛ СЎЗИ

Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. “Хузур-ҳаловатда умр кечирсам, юртим, маҳаллам тинч бўлса”, дейди. Дастурхонимдан файз, хонадонимдан барака кўтарилмасин, фарзандларим ҳеч кимдан кам бўлмай камол топсин, дея ният қилади.

Муваффақиятларимизнинг мустақкам асоси

Айтинг-чи, бундай саодатга тинчлик-осойишталик эришиб бўладими? Албатта, йўқ. Президентимиз 9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдониде ташкил этилган маросимда бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтдилар. Чунки, “Бутун дунё халқларининг эзгу орзуси, хоҳиши, иродаси битта, — деди Юртбошимиз. — У ҳам бўлса, уруш ҳеч қачон, ҳеч қандай шаклда қайтарилмасин, деган талабдир. Бундай истак, бундай мақсад жаҳондаги барча халқларнинг манфаатларига тўғри келади. Чунки ҳеч қайси халқ урушни хоҳламайди”.

Тўғри-да, бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилди, деб бежиз айтмайди халқимиз. Мана, кўшни Афғонистондаги нотинч

вазият, ён-атрофимиздаги мамлакатларда юз бераётган тўқнашувларни олайлик. Бу воқеаларнинг барчаси бизни янада хушёр, янада огоҳ бўлиб яшашга ундайди. Эеро, Президентимиз таъкидлаганидек, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Фақат тинчлик ва осойишталик бўлган, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳукми сураётган давлатда, жамиятда

(Давоми 2-бетда).

www.xs.uz
«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг
Қулай ишбилармонлик муҳити
Президентимизнинг 2011 йилдаги Фармони билан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш 2014 йилнинг 1 апрелига қадар даврда таъқиқланган эди. Эндиликда ушбу мораторий 2017 йилнинг 1 январига қадар бўлган муддатга узайтирилди.

ФЕСТИВАЛЬ

Навоийда “Юксак маънавиятли авлод” республика фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Иқтидорли ва шижоатли

Тадбирда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлири талабалари “Президент асарлари билимдонни”, “Бадий ижод”, “Энг янги тарих билимдонни”, “Энг иқтидорли хунарманд”, “Ўз асариде миллийликни акс эттирган расом”, “Ўз асариде миллийликни ифодалаган дизайнер”, “Ватан куйчиси” каби номинациялар бўйича ўзаро баҳслашди.

Тадбир якунида барча номинациялар бўйича 21 нафар ғолиб номи аниқланди. Энди улар фестивалнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилишади.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
2013/2014 ўқув йилида битирувчи бакалавр ва магистрларни йўланмалар асосида ишга тақсимлашга киришилганини маълум қилади.

Table with columns: Т/р, Бакалавр йўналишларининг номи, Жами битирувчилар сони, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Тошкент шаҳри, Хозирги кунга тушган битирувчилар сони.

Table with columns: Т/р, Магистратура мутахассисликларининг номи, Жами битирувчилар сони, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Тошкент шаҳри, Хозирги кунга тушган битирувчилар сони.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 232-60-03, 239-28-77. Тошкент давлат иқтисодий университетининг маркетинг хизмати бўлими, факс: (8-371) 232-60-01, 239-28-77. E-mail: marketing_tsue@mail.ru Манзил: Тошкент шаҳри, 100003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй.



Франциянинг "Banque de France" банки жорий йилнинг иккинчи чорагида мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,2 фоиз ўсишини билдирди.

Натижа учун вақт керак

Бу евроҳудудга аъзо давлатлардаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар камдир. Масалан, 2014 йилнинг апрель — июнь ойларида Германия иқтисодиёти 0,7 фоиз ўсиши тахмин қилинмоқда.

Қидирув давом этмоқда

Жанубий Кореянинг "Сэволь" паромии ҳалокатга учраган жойда олиб борилаётган қидирув ишлари ноқулай об-ҳаво шароити туфайли 10 май куни вақтинча тўхтатилган эди.



Яъни кучли шамол ғаввосларнинг сувга шўнгишига ҳалал берган. Ордан уч кун ўтиб, об-ҳаво яхшилانгани муносабати билан қидирув амалиёти яна давом эттирила бошланди.

Кутилганидан тезроқ

Фарбий Антарктидадаги музликларнинг эриши натижасида дунё океанлари сатҳи 4,5 метр кўтарилиши мумкин.

"НАСА" ва Калифорния университети олимлари сўнги кирақ йил давомида мажзур ҳудудда қайд этилган ўзгаришларни таҳлил қилиб, ана шундай хулосага келишди.



Машҳур кема қолдиқлари

"The Independent" газетасида ёзилишича, бир гуруҳ археологлар Кариб денгизидан Христофор Колумб кемаси қолдиқларини топишди.

Экспедиция раҳбари Барри Клиффорднинг ишонч билан айтишича, олинган маълумотлар таҳлили топилма айнан Колумб саёҳат қилган "Санта Мария" кемасига тегишли эканлигини кўрсатмоқда.

«KUCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJ
boшланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

учин — 23 июнь, 2 июлдаги савдо учун — 30 июнь, 9 июлдаги савдо учун — 7 июль, 16 июлдаги савдо учун — 14 июль кунлари соат 18.00.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
кафедралардаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

TRANСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИгини МАЖБУРИЙ СУВУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАРНИ КАФОЛАТЛАШ ЖАМГАРМАСИНИНГ ЙИЛЛИК МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ

TRANСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИгини МАЖБУРИЙ СУВУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАРНИ КАФОЛАТЛАШ ЖАМГАРМАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ

«NEW ESTATE ACTION» MCHJ
boшланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоси кадрлар бўлими катта нозири Дилором Раҳматуллаевага падири бузруквори ҒАФФОРХОЖА отанин

